

РОМЕН САЛАТИНИ ЎСТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Санаев Собир Тойирович-профессор., СамАТИ

Эргашев Жавохир Искандар ўғли-таянч докторант., СамДУ

Аннотация. Ушбу мақолада ромен салати нав намуналарининг биокимёвий таркиби, яъни унинг таркибидаги қуруқ модда, қанд, С витамини ва нитратлар микдори таҳлил қилинган ва хосилдорлик кўрсаткичлари келтирилган.

Аннотация. В данной статье представлены биохимический состав образцов сортов салата ромен, то есть количество в его составе сухого вещества, сахара, витамина С и нитратов, а также показатели урожайности.

Annotation. This article presents the biochemical content of romaine lettuce samples, that is, the amount of dry matter, sugar, vitamin C and nitrates in its content, as well as yield indicators.

Калит сўзлар. Кўкат сабзавотлар, Ромен салат, нав, баргларининг ўсиши, бош ўраши, салат бош, биокимёвий таркиби, қуруқ модда, минерал тузлар, қанд, витаминлар, нитратлар, хосилдорлик.

Ключевые слова. Зеленые овощи, салат Ромен, сорт, рост листьев, кочан, кочан салата, биохимический состав, сухое вещество, минеральные соли, сахар, витамины, нитраты, продуктивность.

Keywords. Green vegetables, Romaine lettuce, variety, leaf growth, head starting, mature lettuce, biochemical composition, dry matter, mineral salts, sugar, vitamins, nitrates, yield.

Кириш. Инсон саломатлигига сабзавотлар алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, улар таркибидаги минерал тузлар ва витаминларни ўзгаришсиз ва йўқотмасдан ўзлаштирилади[1]. Сабзавотлар одамлар томонидан яхшироқ ва тўлиқ ассимиляция қилинади, гўшт, балиқ ва бошқа маҳсулотларни яхшироқ ўзлаштиришга (ферментацияга) хисса қўшади. Бунда салат каби кўкат сабзавотлар муҳим аҳамият касб этади[4].

Кўкат сабзавотлардан салат бугунги кунда Республикаизда жадал ривожланаётган экинлардан бири ҳисобланади, салатнинг тур хиллари ва навларини етиштириш, янги навларини яратиш ва интродукция қилиш борасида кенг кўламли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Лекин, шу кунга қадар республикамиз тупроқ иқлим шароити учун етиштиришга мос бўлган ромен салатининг нав ва дурагайлари яратилмаган. Шу боис ромен салатининг янги яратилган нав ва дурагайларини интродукция қилиш, уларнинг ўсиши-ривожланиши ўрганиш, етиштириш технологиясининг муҳим элементларини, яъни мақбул экиш муддати, экиш схемаси, озиқлантириш меъёrlарини аниқлаш шунингдек мос нав ҳамда дурагайларини танлаш лозим.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили. Ромен салат-тупбарги йирик, тик ўсади ва узунчоқ барглардан иборат вертикал жойлашган йирик тупбарги ичидаги зичлашмаган салатбош ҳосил бўлади. Ромен салатининг ўсув даври нав ва дурагайлараро 70-100 кун давом этади. Салат совуққа чидамли ўсимлик бўлиб, баргларининг ўсиши ва бош ўраши учун $15-20^{\circ}\text{C}$ ва кечаси $12-15^{\circ}\text{C}$ қулай ҳарорат ҳисобланади. Унинг ўсиши учун физиологик минимум ҳарорат 5°C дан иборат[2].

Ромен салат, одатда, кузда, қишида ишлатиш учун етиштирилади. Бу салат кўчатдан ёки бевосита уруғдан ўстирилади. Ромен салат ноябр ойида, илдизи билан кўчириб олинади. Унинг йирик бошлари истеъмолчиларга кузда тарқатилади.


VOLUME-1, ISSUE-6

Қолганлари эса тўла етиштириш ва қишида ишлатиш учун ертула, кўчатхона ёки теплицаларга кўмилади. Тўла етиштирилган салатнинг ҳар 1 m^2 дан 8-10 кг гача ҳосил олиниади[3].

Ромен салатнинг барглар тўламидан иборат бўлган салатбоши озиқ-овқат мақсадида кенг ишлатилади, шу боис тажрибаларимиз давомида ўрганилган навларнинг биокимёвий таркиби, яъни унинг таркибидаги қуруқ модда, қанд, С витамини ва нитратлар миқдори таҳлил қилинди.

Олиб борилган тадқиқотларимизнинг биринчи йилида Ромен салати нав намуналарининг таркибидаги қуруқ модда ўрганилганда, унинг миқдори нав намуналариаро 4,90-6,05% ни ташкил этди. Қуруқ модда сақлаш бўйича энг юқори кўрсаткич Актина (6,05), Бацио(6,04) нав намуналарида, нисбатан юқори кўрсаткич Сладкий хруст (5,92), Баллон (5,91), Максимус (5,86) нав намуналарида ва энг паст кўрсаткич Квинтус (4,96), Денди (4,90) нав намуналарида қайд этилди. Шунингдек ушбу нав намуналари таркибидаги қанд миқдори 2,61 % дан 2,95 % гача ортиб борди. Таркибида қанд миқдорини сақлаш бўйича энг юқори кўрсаткич Бацио нав намунасида қайд этилиб 2,95 % ни ташкил этди. Таркибида қанд сақлаш бўйича нисбатан юқори натижа Баллон (2,93%), Актина (2,91%), Максимус (2,88%) нав намуналарида намоён бўлди. Ромен салати нав намуналарининг таркибидаги С витамини сақлаш бўйича кўрсаткичлариниг кўп ёки кам бўлиши унинг озуқавийлик қимматини белгилайди. Ўрганилган нав намуналари таркибида С витамини миқдори 12,82 мг% дан 15,71 мг% гача бўлганлиги кузатилди.

Ўртача ҳосилдорлик, т/га



1-расм. Ромен салати нав намуналарининг ҳосилдорлик кўрсаткичлари, 2023 й

Ромен салати таркибидаги нитратлар миқдори ҳам ўрганилганда нав намуналариаро бу кўрсаткич 1425-1485 мг/кг ни ташкил этди. Тажрибаларимизда нитратлар сақлаш бўйича энг юқори кўрсаткич Максимус (1485 мг/кг), Баллон (1474 мг/кг) нав намуналарида кузатилган бўлса, қуи кўрсаткич эса Актина (1425 мг/кг), Денди (1427 мг/кг) ва Бацио (1438 мг/кг) нав намуналарида аниқланди. Квинтус (1459 мг/кг), Сладкий хруст (1460 мг/кг) нав намуналари оралиқдаги ўринни эгаллаганлиги қайд этилди.

VOLUME-1, ISSUE-6

Тажрибада ўрганилган ромен салати нав намуналарида ўртача бир дона тўпбарглардан иборат салатбош кўрсаткичлари ҳам таҳлил қилинди. Шунингдек, ўртача бир дона салатбош вазни нав намуналаро 381,4-537,1 граммни ташкил этди. Тажрибаларимизда энг юқори вазнли салат бош ҳосил қилиш бўйича Сладкий хруст (498,8 г), Актина (521,1 г) ва Бацио (537,1 г) нав намуналари ажралиб турди. Тадқиқотларимизда ромен салати нав намуналарининг ҳосилдорлиги такрорликлар бўйича 25,5 тоннадан 30,9 тоннагача ортиб борди. Ҳосилдорликни бир гектар ҳисобида ортиши ёки камайиши навнинг хусусиятига боғлиқ бўлиб, юқори вазнли салатбош шакллантирган нав намуналарида энг юқори ҳосил олишга эришилди.

Нав намуналари орасида энг юқори ҳосилдорлик кўрсаткич Сладкий хруст (28,2 т/га), Актина (29,0 т/га) ва Бацио (30,9 т/га) кабиларда кузатилган бўлса, энг паст натижа эса Денди (25,5 т/га) ва Квинтус (26,0 т/га) нав намуналарида қайд этилди(1-расм).

Хулоса. Демак, Самарқанд вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида ромен салатининг Сладкий хруст (28,2 т/га), Актина (29,0 т/га) ва Бацио (30,9 т/га) каби нав намуналари етишириш ҳар бир гектаридан 28,2-30,9 тонна ҳосил олишни таъминлар экан.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати.

1. Лещук Н.В. Морфобіологічні та господарсько-цинні параметри типової моделі сорту салату ромен (*Lactuca sativa*: var. *longifolia* L.) Український інститут експертизи сортів рослин. Сортовивчення № 1' 2013.62-65.
2. Кондратьев В.М. Биологические особенности и элементы технологии выращивания салата посевного (*Lactuca sativa* L.) в пленочных теплицах Ленинградской области. Ленинград.2014.
3. Остонақулов Т.Э., Зуев В.И., Қодирхўжаев О.Қ. Мевачилик ва сабзавотчилик (Сабзавотчилик). Дарслик. – Т.: 2018. 507-508 бетлар.
4. Турдиева Ф.Т. Андижон вилояти шароитида баргли салат навларини танлаш ва етишириш технологиясини ишлаб чиқиш. Қ.х.ф.ф.д.(PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация автореферати. Т.: 2023. 4-бет.